# ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЗАРБДОР ВАХТАДА

КПСС Марказий Комитети феврал Пленумини муносиб кутиб олайлик

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 11 (2559) | 15 январь, чоршанба 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Областимиздаги колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик йилини якунладилар. Ўтган 1963 йил катта муваффақиятлар йили бўлди. Кўпгина хўжаликларда давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Хўжаликларнинг экономикаси кескин даражада юксалди.

Ҳозирги вазифа шундан иборатки, колхоз-совхозларда йил якунларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, 1964 йил учун ҳар бир хўжаликнинг маррасини белгилаш керак.

Колхоз ва совхозларда йиллик ҳисоботларни ўз вақтида тузиб чиқиш зарур. Бунинг учун ҳамма хўжаликларда ҳозирдан бошлабоқ буюмлар, пул ва моддий маблағларни йиллик инвентаризация қилиш, шунингдек ташкилотлар ва шахслар билан ҳисоб-китоб қилиш керак.

Хўжалик йилига якун ясаганда пахтанинг харид нархлари оширилганлиги туфайли олинадиган қўшимча даромадлар асосан колхозчиларнинг меҳнат ҳақига тақсимланиши, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини бундан буён янада яхшилашни жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан бирга тўғри қўшиб олиб боришни таъминлаш назарда тутилиши лозим.

1964 йилнинг 15 февралига қадар бўлган муддат ичида колхозларда йиллик ҳисоботларни тугаллаш ҳамда ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўриб чиқиш талаб этилади.

Йиғилишларда колхоз демократиясига қаттиқ риоя қилиш, ҳамма колхозчиларнинг иштирок этишини таъминлаш колхозларнинг правлениелари ва ревизия комиссиялари ишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни қаттиқ танқид қилиш керак. Йиғилишлар йилнинг хўжалик якунларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, камчиликларни очиб ташлаш ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш руҳида ўтказилиши лозим.

Колхозлар ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида 1964 йилда пахта, дон, сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш планларини ҳам кўриб чиқишлари зарур. Бунда маҳсулот етиштиришни максимал даражада кўпайтириш ҳамда колхозда хўжалик ҳисобини жорий қилишни янада яхши йўлга қўйиш диққат марказида турмоғи лозим. Йиғилишларда хўжаликнинг барча тармоқларини механизациялаштиришни бундан буён янада юксалтириш, нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, маъмурий-бошқарув аппаратини қисқартириш ҳисобига маҳсулот таннархини тағин ҳам камайтириш йўлларини белгилаб олишга алоҳида эътибор бериш керак.

Бундай ишлар совхозларда ҳам амалга оширилиши ва барча совхозларнинг йил якунларини бош мутахассислар ҳамда бўлим бошқарувчилари иштирокида ишлаб чиқариш бошқармаларининг Советларида кўриб чиқилиши лозим. 1964 йилнинг 15 февралига қадар совхозларнинг ҳар бир бригадаси ва фермаси ишлаб чиқариш молия плани ва топшириқлар олиши керак.

Шу йилнинг 1 мартига қадар ишлаб чиқариш бошқармаларида йиллик ҳисоботлар текшириб кўрилиши, ҳар бир колхоз ва совхоз фаолиятининг якунлари бошқармаларнинг Советлари кенгашларида муҳокама қилиниши ва бошқармалар бўйича йиллик ҳисоботлар тузилиши керак.

Айниқса қолоқ колхоз ва совхозларнинг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб кўриш, қолоқлик сабабларини тугатишда ёрдам бериш, уларни ишлаб чиқаришни кўнгилдагидек ташкил этишга қодир бўлган раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Йиллик ҳисоботларни тайёрлаш, йилга якун ясаш, колхозларда 1963 йил учун даромадларни тақсимлаш ҳамда 1964 йил учун ишлаб чиқариш-молия планларини тузиш — ғоят муҳим масаладир. Ана шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш бошқармалари, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари бу ишни ҳар тарафлама уюшқоқлик билан, барча колхозчилар, совхоз ишчиларининг актив иштирокида ўтказишлари керак.

## ҒАЛАБАНГИЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА — ҚУРУВЧИЛАР, МОНТАЖЧИЛАР, ЛОЙИҲАЧИЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИГА

**Азиз ўртоқлар!**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни ажойиб меҳнат зафари билан — республикада янги энергетик қувватлар ишга туширилганлиги билан самимий табриклайдилар.**

**Қудратли Оҳангарон район электростанцияси қурилишининг белгиланганидан барвақт тугалланиши, Тошкент ГРЭСида 150 минг киловатт қувватли дастлабки энергетика блокининг ҳамда Навоий, Тахиатош электростанцияларида йирик энергетика агрегатларининг муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши, бир йил ичида 900 километрдан кўпроқ юқори вольтли электр линиялари ва 4 минг километр тақсимловчи электр тармоқларининг қурилиши, 180 колхоз ва совхознинг давлат электр тармоқларидан ток ола бошлаганлиги—республика халқ хўжалигини ва биринчи навбатда пахтачилик ҳамда химия саноатини электрлаштиришни янада ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳиссадир.**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, Ўзбекистон энергетиклари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч, билим ва маҳоратларини сарфлайдилар, партия ва ҳукуматнинг республикани янада электрлаштириш соҳасидаги вазифаларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



**1-цех меҳнатсеварлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашабориб янги-янги ғалабаларни қўлга киритишяпти. Улар Тошкент лак-бўёқ заводида биринчи бўлиб маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш ҳамда хом-ашё ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича янги мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бу ибратли ташаббус шу кунларда корхона бўйлаб қанот қоқмоқда. Суратда: (чапдан) 1-цех технориги О. Рустамбеков, аппаратчи А. Назаров ва старший мастер Я. Моргомин ўртоқлар.**

**А. Тўраев** фотоси.

## ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКЛАРИНИНГ АЖОЙИБ ЗАФАРИ

Ўзбекистон энергетикларининг коллективлари республикада янги энергетика қувватларини ишга туширганликлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга рапорт бердилар.

600 минг киловатт қувватли Оҳангарон ГРЭСи қурилиши белгиланган муддатдан илгари тўла қуриб битказилди. Бу ГРЭСда бу йил 100 минг қувватли турбогенератор ва ҳар бири соатига 220 тонна буғ ҳосил қиладиган иккита қозон ишга туширилди.

Ўрта Осиёдаги очиқ типдаги энг йирик электростанция — Тошкент ГРЭСида муддатидан олдин — йигирманчи декабрда 150 минг киловатт қувватли биринчи энергетика блоки ишга туширилди. Навоий ГРЭСида ҳар бири 25 минг киловатт қувватли иккита дастлабки энергоблок ва Тахиатош ГРЭСида 12 минг киловатт қувватли учинчи блок фойдаланишга топширилди. Тошкент ва Фарғона ТЭЦларида қўшимча қувватлар ишга туширилди.

220—110 кучланишли — 35 киловольтли 900 километрдан кўпроқ электр линияси ҳамда қишлоқ хўжалиги, шаҳар ва район марказларини электрлаштириш учун 4000 километр тақсимловчи электр тармоқлари қурилди. 180 колхоз ва совхоз давлат электр шохобчаларидан фойдалана бошлади, бу эса, 100 га яқин майда, рентабель бўлмаган дизель энерго установкаларидан воз кечиш ва 1 миллион сўмга яқин маблағни тежаб қолиш имконини берди. Ўзбекистон бирлашган энергетика системасини вужудга келтириш ишлари тугалланмоқда. «Чарвак ГЭСстрой» ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнергострой» коллективлари муддатидан олдин, 5 ноябрь ва 8 декабрда қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини бажардилар.

Данилов, Глухов, Йўлдошев, Муротов, Родак, Свинтицкий, Мамажонов, Захарченко, Мишутин ва Топицин ўртоқлар бошлиқ бригадалар энергетика объектлари қурилишида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

1953 йилдан бери Ўзбекистон электр станцияларининг қуввати 3 баравардан зиёдроқ, электр шохобчаларининг узунлиги эса, 4 баравар ўсди. Республикада ҳозир халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва биринчи галда пахтачилик ҳамда химия саноатини ривожлантириш учун йирик энергетика базаси бор.

Ўзбекистон энергетиклари КПСС ленинчи Марказий Комитетини ва СССР Министрлар Советини ишонтириб айтадиларки, улар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажариш, янги энергетика қувватларини ишга тушириш, ёппасига электрлаштиришдан иборат улуғ мақсадга эришиш учун янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар.

## ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Шу йил февраль ойида чақириладиган партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масалаларини муҳокама қилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш комплекс механизация ва химиялаштириш билан боғлиқдир. Машиналар, минерал ўғитлар қанча кўп бўлса, деҳқоннинг иши енгил кўчаверади. Заводимиз меҳнат аҳли буни яхши тушунади. Шу сабабли қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда уларнинг запас қисмларини тайёрлашни кўпайтириш, таннархини камайтириш учун тинмай курашмоқдамиз.

Корхонамиздаги ҳарбир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг фикри-ўйи шу кеча-кундузда қишлоққа кўпроқ машиналар етказиб бериш, бу билан уларга мададкор бўлишга қаратилгандир. Биргина мисол келтираман.

Заводимизда УПХ—1,5 «А» маркали кўрак чувиш машинаси ишлаб чиқарилмоқда. Ана шу машинани тайёрлаш процессини қисқартириш учун тинмай изланмоқдамиз. «УПХ-905» детали бу агрегатнинг муҳим деталларидан ҳисобланади. У бук ёғочидан ишланиб, тайёр бўлгач, 15 сўм 50 тийинга тушар эди. Негаки, деталлни ишлаб чиқариш учун кўп меҳнат ва вақт сарф этиларди. Айниқса уни барабан шаклига келтириш учун фрейзер станогида кўп ишланарди.

Деталлни тайёрлаш жараёнини тезлаштириш мумкин эмасмикан? Мастер Александр Рябов шу жумбоққа узоқ жавоб излади. Ниҳоят у тўрт пичоқли станок ихтиро этиб, бир неча операцияни қисқартиришга, бу билан вақтни тежаш имкониятига эга бўлди. Натижада иш унуми 2—2,5 ҳисса ошди.

Эски усулда бир ишчи 100 та детални ярим барабан шаклига келтириш учун камида 17—18 соат вақт сарф этарди. Эндиликда тўрт пичоқли янги станокда шунча вақт ичида 200—250 дона деталл тайёрланмоқда.

Цех коллективи бу станокдан ғоят мамнун: уни «ақлли» машина деб атамоқда. Ҳамкасбларимиз янги станокда ишлашга кўчдилар. «УПХ-905» деталини ишлаб чиқаришда Резяпов, Иброҳимов, Куппер ўртоқлар намуна кўрсатаётирлар. Улар янги нормани 120—130 процентдан уддаламоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми шубҳасиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг янги вазифаларини белгилаб беради. Биз, машинасозлар коммунистик қурилишнинг зарбдор фронти бўлган қишлоққа техника ёрдамини кучайтирамиз.

**М. МИРСАИДОВ,**
**«Узбексельмаш» заводининг ишчиси.**

## ҲОСИЛНИ ЎҒИТ ҲИСОБИГА КЎПАЙТИРАМИЗ

Авваллари мен оддий сувчи бўлиб ишлардим. Бу вазифани сидқидиллик билан доимо бажариб келганим туфайли менга бириктилган картадаги ўсимликлар чанқаб қолмас эди. Лекин кўп ўтмай мени колхоз правлениеси қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Мен бу вазифани ҳам сидқидиллик билан бажаришга ҳаракат қилдим. Бригада аъзолари билан бамаслаҳат ишладим. Ҳар бир картада юқори ҳосил етиштириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида режалар тузиб олдик. Айниқса биз ерни ардоқлаб семиртиришга ҳаракат қилдик. Ўғит кўпроқ жамғарилди. Қишлоқдаги ва молхоналардаги маҳаллий ўғитларни нобуд қилмасдан далага ташиб чиқардик. Натижада бир неча йиллардан бери ўғит кўрмай қотиб кетган ерлар гўнгга тўйдирилди. Ҳар гектар ерга 11 тоннадан маҳаллий ўғит тўкдик. 300—400 килограммга етказиб фосфор ўғити солдик.

Ўтган йили бригадамиз бўйича хирмон баракали бўлди. 14 центнердан ҳосил олиб келган ерлардан 30 центнерга етказиб «оқ олтин» олдик. Бу маданий ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланганимизнинг натижаси бўлди.

Бригадамиз аъзолари партиямиз Марказий Комитети февраль Пленумини меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан нишонлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Биз деҳқончилик маданиятини янада кўтарамиз ва ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш учун ҳаракат қиламиз.

**Т. ШАКАРОВ,**
**Янгийўлдаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи.**

## СУТ МЎЛ БЎЛАДИ

Химиянинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти масаласига бағишлаб ўтказилган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигини мисли кўрилмаган даражада ривожлантиришнинг порлоқ йўлини, минерал ўғитларни кўплаб ишлаб чиқариш эвазига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кескин кўтариш ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни беқиёс оширишнинг катта-катта истиқболларини донолик билан белгилаб берди. Декабрь Пленуми ўз ишини тамомлаган кунга ҳали кўпам вақт ўтган бўлмасада унинг қарорлари асосида анчагина ишлар қилинаяпти.

Куни кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш ҳақида ахборот эълон қилинди. Ахборотда бу Пленумда ҳам қишлоқ хўжалиги масалалари кўриб чиқилажаги айтилган. Бу партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир. Биз чорвадорлар ўз боқувимиздаги соғин сигирлардан кўплаб сут соғиб олиб КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини ҳам меҳнатда катта ютуқларга эришиш билан кутиб оламиз.

**З. ЯХЁЕВА,**
**Ўрта Чирчиқ 1-«Оҳангарон» совхози 3-бўлимининг сут соғувчиси.**

## ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV пленуми

**МОСКВА 14 январь. (ТАСС).** Бугун Кремль театрида ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV пленуми очилди. Пленумнинг кун тартибида бир масала бор: «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг «Химия саноатини жадал ривожлантириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти» тўғрисидаги қарорларини бажаришда ВЛКСМ, совет ёшларининг иштироки ҳақида».

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов доклад қилди.

Илғорлар минбари

## ЯНГИ МАНЗИЛЛАР САРИ

**Турсуной РАИМОВА,**
Янгийўлдаги Охунбобоев номли колхоз бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

**Улуғвор етти йиллигимизнинг бешинчи довони ҳам ортда қолди. Ҳур диёримиз —Ўзбекистон 40 ёшга қадам қўйди. Олтмиш тўртинчи йилимиз илдам олға интилаяпти. Унинг бугуни кечагисидан мазмунлироқ, бугуни кечагисидан завқлироқ ўтмоқда. Эртаси бугунидан ҳам қувончлироқ бўлади. Шундай дамларда киши ўзининг порлоқ истиқболи, янги манзиллари тўғрисида ўйлайди, босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди. «Ўтган йили элимга, Ватанимга, азиз диёримга қандай хизмат қилдим, қандай наф етказдим?» дея ўз-ўзига савол беради. Менинг хаёлимда ҳам ҳозир шундай ўйлар кезиб юрибди.**

**Хўш, етти йилликнинг бешинчи йили бизнинг бригадамизда қандай якунланди? Ўйлайманки, ёмон якунланмади. Деҳқонларимиз навбаҳорнинг ёқимли шабадалари эса бошламасиданоқ енг шимариб ишга киришиб кетишди. «Ерга тиккан уруғим кузда қучоқ-қучоқ дур берсин, хирмонимнинг бир баракасига ўн барака қўшилсин, юртимни мўл «оқ олтин»им билан шод этай» деган ягона мақсадни кўнгилга тугиб ҳар бир ишни ўз меёрида, кўнгилдагидек бажарабошлашди.**

**Етмиш гектар майдонимизга баҳорнинг энг қулай фурсатларида 60х50 сантиметрли схемада квадрат-уялаб чигит экиб олдик. Чигитни энди бир текис ундириб олганимизда тўсатдан табиат ўжарлик қилабошлади. Сел аралаш қаттиқ дўл ёғди. Ҳайтовур дўл 20 гектар еримизнигина «ялаб» кетди. Пахтакорларимиз табиат қийинчиликлари олдида тиз чўкмадилар. Аксинча янада ғайрат билан ишга киришиб кетдилар. Бундай долзарб дамларда ишни сира бўшаштирмаслик ҳаммадан ҳам зарур вазифа эди. Биз шундай қилдик. Дўл урган ерларга зудлик билан қайтадан чигит экдик.**

**Кунлар ўтгани сайин мурғак ғўзаларимиз барқ уриб ривожланабошлади. Ер ҳайдашдан олдин гектар бошига 350 килограммдан минерал ўғит ҳамда 8—10 тоннадан компост солган эдик. Ер ўғитга роса қондирилгани учун, қиши билан куч тўплаб чиқди. Шунинг учун ҳам экинимиз илгариги йилларга қараганда ҳам тез, ҳам серҳосил бўлиб ўсабошлади.**

**Бутун ёз давомида ҳар бир туп ғўза атрофида парвона бўлдик. Ғўза қатор ораларини тўрт марта икки томонлама сифатли парвариш қилдик, беш марта қондириб суғордик. Тракторчиларимиз ҳам, сувчиларимиз ҳам ҳамма кучатни йиғим-теримга қадар гўла сақлаб қолишга алоҳида эътибор беришди. Ғўзани эрта озиқлантириш ҳосилни эрта пиширишга, йиғим-теримни эрта бошлаб юборишга имкон беради. Шуни назарда тутиб биз озиқлантиришни иложи борича эртароқ тугаллашга ҳаракат қилдик. Охирги ўғит пайкалларимизга июль ойининг биринчи ярмида солинди. Гектар бошига ўрта ҳисобда 400—450 килограммдан озуқа тушди.**

**Олтин куз бошланганида ишимиз янада жадаллашиб кетди. Чаноқлар бирин-кетин бодраб очилабошлагач ғўза баргларини тўктиришга киришдик. Машина теримига қанча қулай шароит яратсак шунча яхши эди. Негаки, биз етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олишни мақсад қилиб қўйган эдик. Ғўза барглари битта қўймай тўктирилгани, қайтиш майдончалари ўз вақтида ҳозирлангани, машиналар пухта созлангани учун ишимиз кун сайин унаборди, суръатга суръат қўшилаборди.**

**Шундай қилиб мавсум охирига қадар машиналар билан етиштирган жами пахтамизнинг қарийб 90 процентини териб олишга муваффақ бўлдик. Фақат машиналар киролмайдиган ерларнинг ҳосилинигина қўлда тердик. Ўзим «зангори кема» бункеридан эл хирмонига 180 тонна «оқ олтин» тўкдим. Пахта хирмонимиз кутганимиздан ҳам баракали бўлди. Бригадамизда план тугул, зиммага олинган социалистик мажбурият ҳам анча ортиғи билан адо этилди. Ҳар гектар еримиз элга 45 центнердан «оқ олтин» ҳадя этди...**

**...Мана энди, олдимизда янада улкан вазифалар турибди. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми жамики меҳнаткашларини мўлкўлчилик яратишда янги курашга чорлади. Пленумда катта химияни ривожлантириш масалаларининг муҳокама қилингани барча совет кишилари қатори бригадамиз деҳқонларини ҳам ғоят руҳлантириб юборди. Негаки химия ривожланса хирмонга барака киради. Биз химиянинг маҳсули бўлмиш минерал ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланишга бел боғладик. Шу кунларда минерал ўғитлардан етарли миқдорда компост тайёрлаяпмиз. Бундан ташқари бошқа қишки тадбирлар ҳам сифатли амалга оширилаяпти.**

**Куни-кеча янги хушхабар эшитдик: КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақиришга қарор қилинибди. Биз бу хушхабардан шунинг учун ҳам қувондикки, навбатдаги Пленумда ўғитлардан кенг фойдаланиш, суғориш ишларини ривожлантириш, комплекс механизациялаш ҳамда фан ютуқлари, илғор тажрибани жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Ахир, ҳар бир деҳқон, ҳар бир чорвадор, ҳар бир боғбоннинг асл муддаоси ҳам шу-да!**

**Бригадамизда дала ишлари тобора комплекс механизациялашмоқда. Механизацияни янада ривожлантириш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Қани энди, ҳамма трактор ва машиналарни ҳайдай олса?! Мен механизаторлик касбини фақат ўзим эгаллаб қолишим билан чекланаётганим йўқ, бошқаларга ҳам ўргатаяпман. Бригадамиз аъзоси Ширин Рўзаалиевани машина ҳайдашга ўргатдим. У ўтган йили бинойидай пахта терди. Энди бошқаларни ҳам шу шарафли касбга ўргатишни кўнглимга тугиб қўйдим.**



**Бригадамиз аъзолари етти йилликнинг олтинчи йилида ҳам бор куч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар. Ўзбекистон ССРнинг ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйини муносиб тортиқлар билан кутиб оладилар.**

